

ПЕДАГОГ МАХОРАТИ -ЗАМОН ТАЛАБИ

*Андижон ихтисослаштирилган санъат мактаби
Информатика фани укутувчиси
Жумабоева Хафизахон Жалолдиновна.*

Abstract: This article focuses on how contemporary educators should possess expertise in various fields, including contemporary technologies and modern methods, to effectively impart knowledge. It is based on clear sources of information regarding the acquisition of knowledge related to external technologies, modern methods, as well as cultural and speech etiquette.

Keywords: Educator, expertise, profession, education, upbringing, contemporary technology, teaching, global, information communication, pedagogy-psychology, etiquette, speech, mimicry, method individual, tact, monotony.

Аннотация: В данной статье рассматривается как педагоги сегодня должны обладать определенными знаниями по своей специализации, а также быть владеющими современными технологиями и методиками основанными на ясных источниках информации культуры, речи и поведении.

Ключевые слова и выражения: Педагог, компетентность, профессия обучение, воспитание, современные технологии, эффективность, глобальный информационно-коммуникационный, педагогика-психология культуры, речь, мимика, метод, личность, тактика монотонность.

Аннотация. Ушибу маколада хозирги кун педагоги узининг мутахассилиги буйича кандай билимга эга булиши, шу билан бирга замонавий технологиилар хамда замонавий методлардан етарли билимга эга булишилиги, ташки иминж, нутк маданиятига эга булишилиги хакида аник манбаларга асосланиб малумот берииш.

Таянч сузлар ва иборалар. Педагог, маҳорат, қасб, таълим, тарбия, замонавий технология, дарслик, глобал, ахборот – коммуникация, педагогика-психология, иминж, нутк, мимика, метод, шахс, такт, монотон.

Педагогика -сузи кадимий булиб , бола етаклаш деган маънони билдиради.

Тарихий манбаларнинг курсатишича кадимги Юнонистонда уз хужайнининг болаларини сайр килдирган, эҳтиёт килган, ҳарбий маҳоратни ургатган, тарбиячини , яъни кулларни «педагог» (бола етакловчи) деб аташган. Кейинчалик эса ,маҳсус уқитилган ва педагогликни узига қасб килиб олган кишиларни педагог деб атай бошлишган .

Педагогика - тарбия ,таълим хамда маълумотлар беришнинг назарий ва амалий жихатларини урганувчи фанлар мажмуаси.

Педагогика фани шахсни шакллантиришдек ижтимоий буюртмани бажариш асосида жамият тараккиётини таъминлашда алохида хисса кушади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов қўйидагиларни қайд этади: «Биз юртимизда янги авлод, янги тафаккур соҳибларини тарбиялашдек масъулиятли вазифалар

1

ни адо этишда биринчи галда ана шу машаққатли касб эгаларига суюнамиз ва таянамиз,

эртага ўрнимизга келадиган ёшларнинг маънавий дунёсини шакллантиришда уларнинг хизмати нақадар бекиёс эканини ўзимизга яхши тасаввур қиласиз». Ушбу фикрлардан бугунги кун ўқитувчисига нисбатан қўйилаётган талабларнинг мазмун ва моҳияти англанилади.

Замонавий ўқитувчи қандай бўлиши керак? Мустақилликдан кейин ушбу муаммо қўплаб олимларнинг, зиёли аҳлининг, ҳатто ота-оналарнинг диққат эътиборида бўлди.

Ўқитувчилар учун методик қўлланмалар, дарсликлар яратила бошланди, бу соҳада изланишлар, илмий-тадқиқотлар ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда. Ҳозирги кундаги

глобал ўзгаришлар, фан-техника ва ахборот-коммуникация технологияларининг кун сайин ривожланиб бориши XXI аср ўқитувчисидан педагогик маҳоратни, ўткир иродани, педагогик-психологик билимларни, ўз фанини чукур билишни ва юксак тафаккурни, сиёсий саводхонликни, фикрлаш доираси кенг ва мулоҳазали бўлишни талаб қиласи.

Ҳозирги кунда дарсликлар, коммуникацион ахборот технологиялари қанчалик мукаммаллашган ва ривожланган бўлмасин, педагогик амалиёт, таълим - тарбия иш

ларининг муваффақияти охир оқибатда ўқитувчи шахсига, унинг касбий маҳоратига боғлиқ.

Замонавий шароитда хар бир уқитувчи узида қўйидаги педагогик кобилиятларни

тарбиялай олиши керак:

- 1) мулокотга киришувчанлик;
- 2) хиссий сезирлик (касбий зийраклик, бошкаларга хамдард була олиш, ички сезигига эга булиш);
- 3) харакатчанлик, таълим жараёни иштирокчиларига иродавий таъсир курсатиш, ишонтириш кобилиятига эгалик;

4) хиссий баркарорлик (уз-узини тута билиш, уз-узини бошкариш, уз-узини назорат килиш);

5) келажакни макбул холда башоратлай билиш;

6) касбий мустақиллик, ижодий кобилиятга эгалик.

Кобилиятли уқитувчиларда қўйидаги ноёб кобилиятлар хам кузга ташланади:

- бир вактнинг узида бир неча фаолиятни бажара олиш (м: эшитиш, куриш, укиш, ёзиш, фикр юритиш, мулокот килиш ва б.);

- атрофида кечаётган икки ёки бир неча вокеликни бирдек кабул килиш (жумладан, бир укувчининг маъruzасини эшитгани холда, синфдаги бошка укувчиларнинг фаолиятларини кузата олиш);

- ута кизикувчанлик (табиат ва жамиятда кечаётган хар бир воеа-ходиса (гарчи улар энг ахамиятсиз, эътиборга ташланмайдиган булса-да) мохиятини билишга интилиш, хаддан

зиёд куп саволларга жавоб топишга интилиш);

- мия фаолиятининг биокимёвий ва электрик фаоллиги (мия деярли тухтовсиз фаолият курсатиб, нихоятда кам вакт “дам олади”, билиш жараёнида ноаниклар кузга ташланса, улар тезда бартараф этилади; уйкучанлик кобилияти педагогларга хос хусусият эмас);

- нутки ва фантазиясининг бойлиги (кобилияти уқитувчиларнинг аксарияти нихоятда бой нуткка эга, уларда фантазия (тасаввур килиш) кобилияти бекиёс даражада кучли);

- кучли хотира (йирик хажмдаги матнни, жумладан, достонларни бир марта укиш билан тулалигига ёдлаб олиб, уни сузма-суз кайта хикоя килиб бериш кобилияти) га эгалик

кабилар алохиди урин тутади.

Педагогик релаксация. “Фан-техника тараккиётининг хозирги боскичиди, ишлаб чиқариш муносабатларининг жадаллашуви. халк хужалигининг турли жабхаларида янги технологияларнинг жорий этилиши ва шу каби катор омиллар инсон рухиятига олдингиларига караганда купрок жисмоний, руҳий зурикишлар бермокда”. Педагог фаолиятдан руҳан ёки жисмонан толиккан уқитувчиларда руҳий хамда жисмоний чарчок

ларни бартараф этишга хам эътибор каратиш талаб килинади. Мазкур талаб салбий руҳий омиллар таъсири кучайган, катта хажмдаги ахборотлар билан тукнашиш руй берадиган

2

мавжуд шароитда айникса мухим ахамият касб этади. Таълим оловчиларда руҳий ва жисмоний толикишларни бартараф этишга каратилган педагогик фаолият “релаксопедия” (лотинча “relaxation” — кувватсизлик. заифлашиш, руҳан ёки жисмонан холдан тойишни бартараф этиш педагогикаси) деб номланади.

Сунгги йиллар жаҳон таълими амалиётида ушбу педагогик фаолият имкониятларидан кенг фойдаланилмокда. У иктидорли болаларни уқитишга ихтисослашган мактаблар фаолияти

самарадорлигини оширишнинг педагогик асослари Педагогик релаксация - таълим оловчилар (уқувчи, талаба, тарбияланувчи)ларнинг хиссий фаолияти, руҳий-жисмоний

куввати хамда ишчанлик кобилиятини кайта тиклаш мураккаб вазиятларда, имконноти чекланган болалар, фанларни узлаштира олмайдиган ёки тарбияси оғир

укувчилар билан ишлашда релаксопедиянинг педагогик-психологик имкониятларидан уринли, максадли

ва самарали фойдаланиш кутилган натижаларни беради. Релаксация шароитида бугунги

кунда кенг оммалашган тренинг ва автотренинглар ижобий мухитнинг хосил булишини таъминлайди. Улардан фойдаланиш вактида укувчилар ташки ва ички таъсиrlардан химояланган булиб, уларга факатгина уқитувчининг ишонтирувчи овозигина эшитилади.

Бу эса уқитувчининг таъсири ва унинг самарасини янада оширади.

Релаксация жараёнида укувчилар уқитувчининг куллаб-куватлашларини хис этишлари, унинг меҳр-мухаббатидан баҳраманд булишлари, хамдардлигини хис килишлари лозим. Шундагина укувчилардаги руҳий зурикиш, жисмоний толикишларни бартараф этиш учун психологик мухит юзага келади.

Мушаклар релаксацияси (яъни мушакларни бушаштириш) даврида уз-узини ишонтириш

ва ахборотга таъсиранлик юкори булади. Шунинг учун хам уз-узини ишонтиришга йуналтирилган тренинг ва автотренингларни ухлаш ва уйкудан туришдан олдин куллаш самарали хисобланади. Мушаклар релаксацияси (яъни мушакларни бушаштириш)нинг самарали кечиши учун уқитувчи мушакларни бушаштиришга ёрдам берадиган метод ва воситалардан хабардор булиши даркор.

Укувчиларнинг руҳий зурикиш ва жисмоний толикишларини бартараф этиш максадида релаксация асосларини назарий жихатдан узлаштириб колмай, улардан амалий жихатдан фойдаланишни хам билишлари зарур.

Педагогик тақт. Юкорида айтиб утилганидек, маҳоратли педагог фаолиятида педагогик тақт хам узига хос тутади:

Педагогик тақт уқитувчи фаолиятига гоявий ва амалий жихатдан бир-бирига мос

келадиган педагогик ахлокни бевосита татбик этишнинг шакли сифатида намоён булади.

Тақт (дахлдорлик) - бу ахлокий хулк-атвор, хатти-харакат булиб, узида барча объектив харакатларнинг оқибати, уларнинг шахс томонидан субъектив кабул килишни аввалдан

кура олиш, белгиланган максадга осонрок эришиш йулларини излашнинг намоён

булишини билдиради.

Педагогик тақт - уқитувчининг укувчилар билан турли фаолият шакллари буйича ташкил этиладига мулокотда мавжуд ахлокий тамойиллар. хулк-атвор коидаларга риоя килиш уларга тугри ёндашиш малакаларига эгалиги ифодалайди. Шунга кура педагогик тақт уз моҳиятига кура ижодий изланишни талаб этадиган амалий харакатдир.

Уқитувчига хос булган педагогик тақтнинг асосий таркибий элементлари сифатида куйидагиларни эътироф этиш мумкин:

- 1) шахсга нисбатан хурмат билан муносабатда булиш;
- 2) юксак талабчанлик;
- 3) сухбатдошни кизикиш билан тинглай олиш, у тугрисида кайгуриш малакаси;
- 4) рухий баркарорлик, дадиллик, огир вазминлик;
- 5) муносабатлар жараёнида ишонч билан сузлай олиш;
- 6) катъиятлилик (кайсарлик эмас);
- 7) укувчиларга нисбатан эътиборли ва хушёр булиш;

Демак, талабаларга педагогик маҳорат асосларига доир билимларни
3

беришда уларда педагогик тектнинг кўйидаги элементларини тарбиялашга жиддий эътибор каратиш максадга мувофиқдир:

- Укувчи шахсини хурмат килиш, унга нисбатан талабчанлик;
- барча фаолият турлари буйича укувчиларда мустакилликни ривожлантириш, уларнинг ишларига окилона педагогик раҳбарлик килиш;
- укувчиларнинг рухий холатига нисбатан эҳтиёткорона муносабатда булиш, унга нисбатан юксак идрок билан изчил талаблар кўйиш;
- укувчиларга ишониш, уларнинг ишларини тизимли назорат килиб бориш;
- Укувчилар билан мулокотни ташкил этишда узини оклаган ишchan ва хиссий характерга эга муносабатларни кушиб олиб бориш.

Педагогик тектга хос булган мухим хусусият укитувчининг нафакат хушмуомала булиши, укувчини сева олиши, хурмат килиши эмас, унинг кунглига тугри йул топа олиши хамдир.

Укитувчининг педагогик тектга эгалиги унинг юриш-туришида, вазминлигига, узини тута билишида намоён булади, У укувчига ишонч билан карашни назарда тутади. Укувчига ишончсизлик билан караш укитувчининг педагогик тектга эга эмаслигини ифодалайди.

Хар кандай педагогик низо ёки зиддиятларнинг асосида укитувчининг педагогик тектга
эга эмаслиги ётади.

Хар кандай куполлик, кесатик ва койишлар, укувчиларни доимий равища танкид килиш, уларга ишончсизлик билдириш эса педагогик низоларни келтириб чикаради. Педагогик тект, укитувчининг укувчи жавобини диккат билан тинглашида, жавобнинг мазмунига алохида эътибор каратишида, борди-ю, укувчи хатога йул куядиган булса, уни босиклик, вазминлик билан тугрилашда, укувчи фаолиятини хакконий, окилона баҳолашда, куйилган

баҳонинг моҳиятини изоҳдашда намоён булади. Бу жараёнда жавоб берадиган укувчига жилмайиш, турли имо-ишоралар килиш, бошни кимирлатиш, юз ифодалари, кул харакат

лари билан унинг жавобларини маъкуллаб туриш педагогик фаолият самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Махоратли укитувчи, айникса, укувчилар фаолиятини баҳолашда хушёр, эҳтиёткор булиши лозим. Зеро, нотугри куйилган баҳо укувчи шахсига салбий таъсир курсатиб колмай, балки унинг укишга булган кизикишини сундиради.

Шу сабабли укувчилар фаолиятини баҳолашда В.А.Сухомлинскийнинг педагогик тажрибасига таяниб иш куриш максадга мувофик:

1. Укувчига амалий ёндашиш (“Укувчи булгандан кейин укиб келиш керак-да” тарзида

эмас), балки унга шахс сифатида муносабатда булиш (“Укувчиларим, энг аввало, шахс,

бала, сунгра эса укувчи. Мен унга куядиган баҳо унинг билимлари улчови эмас, балки менинг унга нисбатан инсоний муносабатимдир” тарзида ёндашиш).

2. Хар бир баҳо укувчини келажакка ишонч руҳида тарбиялаши зарур; у укувчининг меҳнатини рагбатлантириши, бирок, унинг дангасалиги ва кобилиятсизлиги учун жазо воситаси булмаслиги зарур.

Педагогик техника ва унинг таркибий элементлари. Педагогик махоратнинг мухим белгиларидан бири булган педагогик техника уз навбатида укитувчининг юкори техник малакаларга эгалигини хам англатади.

Педагогик техник а - Укитувчига алоҳида укувчи (талаба, тарбияланувчи)га, укувчилар жамоасига педагогик таъсир курсатиш методларини амалда самарали куладай олиш

учун зарур булган билим, куникма, малакалар мажмуи педагогик техника асосларини муваффакиятли узлаштириш педагогик махоратнинг мухим таркибий кисми булиб, унга эришиш педагогик, психологик, амалий тайёргарлик буйича маҳсус билимларга эга булишни талаб килади. Педагогик техникани узлаштиришда укитувчи **у қ у в ч и хулк-атвори**,

хатти-харакатларининг ташки белгиларга кура унинг ички холатини белгилай олиш малакасига эга булиши ниҳоятда мухим.

Укитувчига хос педагогик техниканинг мухим элементлари куйидагилар:

1) узнинг хамда укувчилар диккатини максадли бошқариш;

4

2) педагогик фаолиятда жараён, шунингдек, укувчилар харакати суръатини хис килиши.

Таълим жараёнида “укитувчи томонидан укувчиларнинг у ёки бу харакатлари ёки уларда намоён буладиган маънавий-ахлокий сифатларига узининг субъектив муносабатини, алоҳида хис-туйгуларии маъноли ифодалай олиши у эга булган педагогик техника усувлари хисобланади”.

Бир суз билан айтганда, педагогик жараёнда “техника” тушунчаси укитувчининг педагогик таъсир курсатиш усувлари мажмуига эгалигини ифодалайди. Педагогик техниканинг воситалари — нутк ва оғзаки булмаган мулокот

воситаси саналади. Педагогик техникани эгаллаш уқитувчи олдида турган мухим педагогик вазифаларни хал килишга ёрдам беради.

Манбалардан бирида курсатилишича, педагогик техника куйидаги икки гурух методларни

уз ичига олади:

Асосий гурухлар

1-гурух

Уқитувчининг уз хатти-харакатлари, организми (мимика), хиссиё тлари ва кайфиятини бошкариши (психологик зурикишни бартараф килиш, узини хис килишга ижодий

ёндашиш);

ижтимоий-перцептив кобилият (диккат, кузатувчанлик, тасаввур)га эгалик; нутк техникаси (нафас олиш, овоздан фойдаланиш, ургу беришб нутк суръати куникмалари)га эгалик малакаси.

2-гурух

Укувчи шахсига ва укувчилар жамоасига таъсир курсатиш малакаси;

таълим ва тарбия жараёнининг технологик томонларини очиб бериш малакаси;

ташкilotчилик, коммуникатив малака; педагогик талаблар куйишнинг технологик усуллари; педагогик мулокотни бошкариш малакаси: жамоавий ижодий ишларни

ташкил этиш ва б.

Педагогик техника методларининг гурухлари

Педагогик амалиёт таълим тизимида ёш уқитувчиларнинг педагогик техникасида куйидаги жузъий камчиликлар учрашини тасдиклайди:

- 1) укувчи ёки унинг ота-онаси билан сидкидилдан сузлаша олмаслик;
- 2) газабни тухтата олмаслик ёки уни уз урнида ишлата олмаслик;
- 3) узидаги ишончсизликни енга олмаслик;
- 4) нуткнинг равон этмаслиги;
- 5) ортиқча каттиккуллик;
- 6) хушмуомала булишдан куркиш;
- 7) жуда тез гапириш (айникса, дарсларда);
- 8) ортиқча харакат ёки бир жойда котиб колиши. кулларини каерга куйишни билмаслик;
- 9) уз гавдасини тутишда муайян камчиликларга йул қуйиш (букчайиб, ерга караб юриш, уринсиз кулиш, ортиқча харакат, кулида турли жисмларни айлантириб юриш);
- 10) монотон – бир охангда сузлаш нуткнинг зерикарлилиги, жонли эмаслиги;
- 11) ифодали укиш, сузларни аник, тугри талаффуз кила олмаслик (нотугри дикция), синф хонаси, аудитория учун зарур товуш баландлигини белгилай олмаслик.

Бу каби камчиликпар укитувчи томонидан укувчиларга самарали таъсир курсатилишига имкон бермайди. Шу сабабли олий таълим муассасаларида талабаларда педагогик техника куникма ва малакаларини шакллантиришга жиддий эътибор каратиш лозим.

Педагогик техниканинг самарали натижаларни кафолатлай олишида укитувчининг ташки киёфаси хам узига хос ахамият касб этади. Укувчиларга самарали таъсир курсата олиш учун Укитувчининг ташки киёфаси куйидаги талабларга жавоб бера олиши зарур:

5

1) Укитувчи ташки куринишининг укувчиларга эстетик таъсир курсатиши, уларни эстетик жихатдан завклантира олиши;

2) унинг сочи текис таралган, чиройли турмакланган булиши;

3) пардоз буюмларидан уринли фойдаланиш, юзнинг ортиқча буёклардан холи булиши;

4) укитувчи либосларининг тоза, озода, коматига ярашган булиши, осилиб турмаслиги, хаддан ортиқ хашаматли булмаслиги;

5) заргарлик буюмларидан имкон кадар холи булиш, айникса, товланувчи металлар —

олтин ва кумуш такинчоклардан фойдаланмаслик, либоснинг ранги ва укитувчининг ёш хусусиятларига мувофик оддий, кимматбаҳо булмаган тошли, металл такинчоклардан фойдаланиш.

Укитувчининг педагогик маданиятга эгалиги, педагогик төхника асосларини пухта узлаштира олганлиги унинг юз ифодаси, эркин, вазмин харакатлари, гавдани тугри тута билиши, йигинчоклиги, имо-ишоранинг табиийлиги, укувчиларга нисбатан эътиборида яккол акс этади.

Педагогик жараёнда укитувчи юзини уринсиз, купол тарзда буриштирмаслиги, пала- partiшликка йул куймаслиги, имо-ишораларнинг сунъий булишидан сакланиш, бушанг

ва суст булишига йул куймаслиги зарур.

Зоро, буларнинг барчаси укитувчининг укувчи олдида хурмат козона олмаслигига олиб келади. Ёш укитувчилар укитувчининг хатто синф хонасига, аудиторияга кандай кириши, укувчи талабаларга назар ташлаши, саломлашиши, стулни суриши, шахсий буюмлари

(сумка ёки когоз солинган йигмажилларни каерга, кандай куиши, хона буйлаб юриши,

ёзув тахтасидан фойдаланишдаги харакатлари, укувчи (талаба)лар билан мулокотда

узини кандай тутиши ва бошқалар хам катта тарбиявий таъсир кучига эга эканлигини

ёдда тутишлари зарур.

Вазмин, хушмуомала, узига ишонган укитувчи фаолиятининг илк боскичлариданок укувчилар меҳрини козона олади. Бунинг учун укитувчи, энг аввало уз хиссий холат

ларини, туйгуларини бошкара олиши керак.

Укитувчининг укувчилар билан мулокоти расмий характерга эга. Колаверса у укувчилар, уларнинг ота-оналари, хамкаслари. Таълим муассасаси ва юкори бошкарув органларининг назорати остида фаолият юритади. Бу эса аксарият холатларда жисмоний толикиш, руҳий зурикиш, уз-узига нисбатан ишончсизлик ва тангликни келтириб чикаради. Натижада укитувчининг нутки катыйлик касб этмайди, овозда нуксонлар кузга ташлана бошлайди, оёқ ва куллар толикади. Бу каби салбий ходисаларнинг келиб чикмаслиги учун укитувчи узини дарс бошланишидан аввал таълим жараёнинг руҳан тайёрлаши, мазкур жараёнда юзага келиш эҳтимоли булган турли салбий холатларга узини психологик нуткани назардан тайёрлаши, имкон кадар руҳий баркарорликка эришиши талаб килинади.

Укитувчи таълим ва тарбия жараёнларига узини руҳан тайёрлашда куйидагиларга эътибор бериши лозим:

- Узига, уз имкониятларига ишониш;
- хушмуомала булиш ва келажакка ишонч билан караш;
- уз хатги-харакатларини назорат килиш (мускуллар зуришини бартараф этиш, коматни ростлаш, харакатларни тугрилаш, нуткнинг равон, аник булишига эътибор каратиш ва тугри нафас олишни узлаштириш);
- аклий ва жисмоний меҳнатни ташкил этишда узаро уйғунликка эришиш, муайян даврларда хордик чикариш (меҳнат ёки мусика ёрдамида дам олиш, бадиий асарларни укиш, якинлар, дустлар билан хазил-мутойибани ташкил этиш);
- педагогик жараённинг муваффакиятли, самарали кечишига узини узи ишонтириш;
- касбий фаолиятни катта иштиёқ, кутаринки кайфият билан ташкил этишга интилиш;
- 6
- турли салбий руҳий омиллар организмига, руҳий холатига, хатти-харакатларига, Укувчилар ва таълим жараёнининг бошка иштирокчиларига нисбатан муносабатига таъсир этишига йул куймаслик;
- салбий руҳий омиллар ва жисмоний холатларни бартараф этиш учун тренинг ва автотренинглардан самарали фойдаланиш малакасини узлаштириш.

Руҳий баркарорликка эришишда укитувчи уз фаолиятида В.А.Сухомлинский томонидан тавсия этилган куйидаги шартларга риоя килиши кутилган натижани кулга киритиш имкониятини яратади:

- кош-ковокни уюб юрмаслик;
- бошкаларнинг камчиликлари, нуксонларини ошириб курсатмаслик;
- хазил-мутойибага мойил булиш;

- хушмуомала булиш ва келажакка ишонч билан караш.

Педагогик техниканинг таркибий кисмлари сирасида пантомимика узига хосурин тутади.

Пантомимики - бу гавда, кул ва оёкларнинг харакати булиб, у укитувчи томонидан баён этилаётган муайян жараённи алоҳида ажратиб курсатишга маълум киёфа оркали гавдалантиришга имкон беради.

Укитувчининг тугри тутилган, чиройли кадди-комати унинг шахс сифатида намоён булишини таъминлайди. Колаверса, бу холат узига, шахсий имкониятларига булган ишончнинг юкорилиги, шахс сифатида узини кадрлай олиш, узига узи юкори баҳо

беришни хам ифодалайди. Аксинча, бошнинг куйи эгилганлиги, кулларнинг осилиб

туриши китувчининг ички заифлиги, узига узи ишончсизлигидан далолат беради.

Узлуксиз таълим тизимининг барча боскичларида таълим олевчиларга гавдани тугри тутишни, эркин харакатланишни, хар кандай вазиятда хам узини тута билишни, йигинчокликни ургатиб бориш талаб этилади. Олий таълим муассасалари талабаларида

ушбу сифатларни хосил килиш эса уларни касбий фаолиятга руҳий тайёрлашнинг мухим шартларидан бири хисобланади.

Энг аввало, талабаларга гавдани тугри тутиб туриш ургатилади. Бунда оёклар елка кенглигига (икки оёқ оралиги 12-15 смни ташкил этиши лозим), унг оёқ бир оз олдинда туриши керак. Зеро, шундагина тана оғирлиги хар икки оёкка бирдек тушиши билан бирга узок вакт (деярли 30-40, олий таълим муассасаларида эса 60-70 дакика) толикмай туришни таъминлайди.

Укитувчининг харакатлари имкон кадар оддий ва эркин булиши лозим. Узини узи мажбуrlаб, айrim камчиликпарни яшириш максадида сунъий, зурма- зураки харакатларни содир этишнинг хожати йук. Харакатлар канчалик самимий ва имкон кадар оддий булса, укувчиларда укитувчига булган ишонч, хурматни шунчаки оширади. Гавдани олдинга-оркага тебратмаслик, хадеб тана оғирлигини бир оёқдан иккинчи оёкка утказмаслик, стул суюнчигига ёки кафедра (олий таълим муассасаларида маъруза укиш учун ажратилган жихоз)га бутунлай суюниб олмаслик, бошни ёки кулокни кашламаслик, бурунни артмаслик, кузни ишкаламаслик, кулда бирор буюмни айлантирмаслик укувчига канчалик завқ берса, унда укитувчига нисбатан хайрихохликни уйготса, уларнинг аксини содир этиш укитувчининг гашини келтиради. Дарс жараёнида укитувчи гавдаси харакатининг босик, ортиқча харакатлардан холи булишига эътибор каратиши, ортиқча силкиниш ва кескин харакатлар

ни содир этишдан узини тута олиши зарур.

Педагогик техниканинг яна бир мухим таркибий кисми - бу мимика саналади.

Мимика - бу юз мускуларининг харакатлари оркали уз фикрин, хистуйгулари, кайфиятини, мавжуд вокеликка нисбатан муносабатини ифодалаш.

Жуда кадимдан инсон юз ифодаси ва караши атрофдагиларга суздан кура кучли таъсир килиши аникланган. Йи сабабли кадимги Рим ва Юнонистонда нотикларнинг нафакат

суздан, шу билан бирга мимика, пантомимика ва жест (гавда, кул ва оёқ харакат)лардан самарали фойдалана олишларига эътиборкаралашган. Бугунги кунда хам ривожланган мамлакатларда сиёсатчиларнинг юкорида кайд этилган харакатлар буйича малакаларни

узлаштира олишларига жиддий эътибор каратилади.

Укитувчи томонидан мимика, пантомимика ва жест (гавда, кул ва оёқ харакат)лардан самарали фойдалана олиш малакаларини самарали узлаштира олиши унинг меҳнатини кисман енгиллаштириш билан бирга укувчиларга таъсир курсатишида муайян муваффакиятларга эришиш имкониятини яратади.

Бугунги кунда нутк техникаси буйича бир канча мажмуавий машклар асосланган. Улар сузлашиш пайтида тугри нафас олиш, товуш хосил килиш, нуткни маъноли ифодалаш малакаларини такомиллаштиришга ёрдам беради.

Укитувчи нуткининг хосил булишида нафас олиш хам муҳлм ахамиятга эга.

Нафас олиш организмга хает багишловчи физиологик функцияни бажариш билан бирга нуткнинг энергия базаси хам хисобланади.

Нуткли нафас олиш товушли нафас олиш (фонацион, юонончадан “phono” - товуш) деб номланади. Инсоннинг кундалик хаётидаги нутк, асосан, диалог шаклида булади. Шунинг учун хам нафас олиш ортиқча кийинчилик тутдирмайди.

Касбий фаолиятида, айникса, даре жараённада укитувчи узок сузлайди. Бу эса янги мавзуни тушунириш, маъруза укиш билан бөглиқ. Агар укитувчи нафас олиш техникасини яхши эгалламаган булса, унда педагогик фаолият жараённада узок сузлаш окибатида томир уришининг тезлашуви, юзнинг кизариб кетиши, нафас кисилиши руй беради.

Айни уринда нафас олиш техникасининг асосий турлари билан танишиб утиш максадга мувофиқдир. Улар:

1. Кифтда нафас олиш. Нафас кукракнинг юкори кисмида олиниб, кифтлар кутарилади. Бундай нафас олиш заарли. У кишини тез чарчатади. Меъёрида сузлашга имкон бермайди.

2. Кукрак-корин оркали нафас олиш. Бундай нафас олганда урта ковургалар, бикин харакатга келади, яъни улар кенгаяди.

3. Аралаш нафас олиш. Яъни пастки ковургалар, диафрагма иштироқида нафас олиш. Бунда кукрак кафаси ва кифтлар кутарилмайди”.

Нуткнинг хосил булишида товушлар хам муҳим урин тутади.

Педагог уз тарбияланувчилари билан купрок аудиторияда, дарсда нуткий мулокотда

булади. Унинг нутки илмий-педагогик мазмун касб этади. Бундай нуткда илмнинг турли соҳаларига хос коидалар, атамалар, хуносалар акс этади. Бундай нуткда ҳар бир нарса уз урнида, меъёрида булади. Атамаларга, янги сузларга берилган изохлар содда, уқитувчи

хазм киладиган синтактик курилмаларда берилади

Уқитувчи мавзулар буйича материалларни Укувчиларга етказиб беришда уларнинг хулкига самарали таъсир этиш максадида куз, кош, кул, юз, бош, кафтлари ёрдамида мос харакатларни амалга оширади. Унинг бундай харакатлари тасдик ёки инкорни ифодаласи мумкин. Уқитувчи томонидан содир этилаётган харакатлар уринли булса улар сусиз педагогик таъсир жараёнини кучайтиради. Бирок, бу каби харакатларни уринсиз, тез-тез содир этавериши укувчиларнинг диккатларини сусайтиради уларни зериктириб куяди.

Педагогик жараёнда уқитувчининг таъсирини кучайтирадиган омиллардан бири - бу унинг овози, унга хос булган хусусиятлар саналади. Уқитувчи овозининг ёкимли ва жарангдор булиши укувчилар эътиборини узига тула карата олишини таъминлайди. Таъсирчанлигини аниклаш учун уқитувчи овозининг канчалик даражада кучли, ширадор ва ёкимли эканлигини билиши, зарур вазиятларда овознинг бу каби хусусиятларидан унумли фойдалана олиши зарур. Уз овозида маълум камчиликлар борлигини сезган уқитувчи уларни

бартараф этишга харакат килиши керак. Бунинг учун овоздан фойдаланиш, уни яхшилаш техникаси устида изчил, доимий машқ килиб бориши талаб этилади. Бинобарин, бир ёки икки марта килинган машқ билан овоз хусусиятларини яхшилаб булмайди.

ХУЛОСА

Ҳар томонлама камол топган, жамиятда илғор турмуш тарзига мослашган, таълим ва касб - хунар дастурларини ҳамда педагогик ва ахборот технологияларнинг энг сўнгги ютуқларидан доимо хабардор, онгли равишда ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, педагогик-психологик

жиҳатдан билимларга эга бўлган, давлат ва оила олдида жавобгарликни ҳис этадиган фуқароларни тарбияловчи ўқитувчida юксак назарий ва методологик тайёргарлик булиши лозим. Ҳозирги замон талабларига мос, ахборот технологиялари ҳамда фан ва техниканинг сўнгги ютуқларини ўзлаштирган, миллий ва маънавий қадриятларимизни таълим тизимига

татбиқ эта оладиган ўқитувчидан янгича касб маҳорати талаб қилинади.

Ўқитувчи ўз касбининг моҳир устаси бўлиши учун, аввало, ўзининг индивидуал касбий хусусиятларидан юқори савияда фойдаланиши ва индивидуал ишлай олиш қобилятининг қандай шаклланганлиги билан боғлиқ. Бўлажак ўқитувчи ўз касбий маҳоратининг шакллантирилганлигини билдирувчи касбий билим, малака ва кўнилмалар йигиндисига, педагогик муомала маданиятига эга бўлиши касбий - педагогик омилкорликнинг асосий пойдевори ҳисобланиб, ўқитувчининг касбий маҳоратиня намоён қилувчи асосий восита ҳисобланади

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

- 1.Педагогика У.И.Иноятов.
2. Замонавий уқитувчига куйиладиган талаблар.(Макола)М.У.Ильназарова
- 3.Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технология. Р. Ишмухамедов
4. «Юксак маънавият енгилмас куч» И.А.Каримов
5. Педагогик махорат. А.Холиков
- 6.Интернет материаллари